



ХАЛҚ МИНБАРИ

Beruniy tumanining ijtimoiy - siyosiy va ommaviy gazetasi

Gazeta 1946–yilning 1–avgustidan chiqa boshlagan

2021–yil, 10–iyun, №17 (6396), payshanba

e-mail: xojaniyazova.lola@mail.ru / e_xat:
l.xojaniyazova@exat.uz
"XALQ_MINBARI_BERUNIY | Uyda qoling" Rasmiy Kanali.

"МЕҲРЛИ ҚЎЛЛАР" АКЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



1 июнь –Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Беруний тумани тиббиёт бирлашмасида даволанаётган 50 нафар болаларга туман ҳокими А.Сапарбаев, меҳмонлар ва сектор раҳбарлари томонидан махсус совғалар ҳамда даволанаётган ҳар бир боллага 250 минг сўмдан пул маблағлари берилди.

Тасвирларда: 1. Туман ҳокими А. Сапарбаев ва 2. Туман прокурори Р. Халмуратовлар болаларга совға улашиш пайтида.

БЕРУНИЙ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Туманда экологик муҳитни яхшилаш ва ўрмонзорларни кўпайтириш учун ёнғиннинг олдини олиш, ёнғинга қарши курашишни кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2018 й., 03/18/475/1078-сон), Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9–сон 320–модда) 6,25–моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрдаги 506–сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ўрмонларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари"га мувофиқ, ўрмонзорларда ёнғин хавфини олдини олиш бўйича чора–тадбирларни амалга ошириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман давлат ўрмон хўжалиги ўрмон фонди ҳамда Қўйи Амударё давлат биосфера резервати ўрмон фонди ҳудудларида ушбу Қарор кучга кирган кундан бошлаб, 2021 йил 1 декабрга қадар "Ўрмонзорларда ёнғин хавфсизлиги мавсуми" деб белгилансин.

2. Туман давлат ўрмон хўжалиги

Туман давлат ўрмон хўжалиги ўрмонзорларида ёнғин хавфини олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш тўғрисида

ҳамда қўйи Амударё давлат биосфера резервати маъмуриятлари, туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб–қувватлаш бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда тумандаги аҳоли пунктларида Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири кенг тарғибот қилинишини таъминлансин.

3. Туман давлат ўрмон хўжалиги ва Қўйи Амударё давлат биосфера резервати маъмуриятлари ҳудудларидаги қорхона, ташкилот раҳбарларига, фуқаролар йиғинлари раисларига шу ҳудудларда яшовчи аҳолига мавжуд дарахтларни кес–тирмаслик, уларни ҳимоя қилиш ва ҳайвонот дунёсини асраш, ёнғинга қарши чора–тадбирлар кўриш, экологик муҳитни яхшилаш бўйича чора–тадбирларини амалга ошириш топширилсин.

4. Туман давлат ўрмон хўжалиги ва Қўйи Амударё давлат биосфера резерватида давлат ўрмон фонди майдонларида табиий техник вазиятларнинг олдини олиш, шундай фавқулодда вазиятлар юзага келганда тегишли маҳаллий ҳокимлик органлари, туман ёнғинга қарши курашиш, ички ишлар бўлимлари ва бошқа

корхоналар билан биргаликда шоши–линч чора–тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда бажарилишини таъминлаш юклатилсин.

5. Тумандаги машина трактор парки раислари, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ўрмон фонди ерлари билан чегарадош даладорларнинг атрофларини, ариқ ва зовурларни тозалаш пайтида ёнғиннинг олдини олиш мақсадида қамишзорларнинг ёқиб юборилишига, ўрмонзорларда уй ҳайвонларини боқиб янгидан экилган кўчатларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар.

6. Туман ички ишлар бўлими (А.Абдиров), Беруний давлат ўрмон хўжалиги (Р. Қошимбетов), Қўйи Амударё давлат биосфера резервати (А. Маткаримов) билан биргаликда ўрмон хўжалиги ва Қўйи Амударё давлат биосфера резервати ҳудудларида ноқонуний ов қилувчи браконьерларга, аҳолининг дарахтларни ўзбошимчалик билан ноқонуний кесиш ҳолатларига ва экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатига тегишли чоралар кўриш топширилсин.

7. Мазкур қарор туман "Халқ минбари" газетасида нашр қилинсин ва ҳокимликнинг веб–сайтига жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 30 июнь кунги 619–сонли "Туман ўрмонзорларида ёнғин хавфини олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ("Халқ минбари" газетаси, 10.07.2020 й., 20–21(6362–6363)–сон) ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари С.Уринбаев зиммасига юклатилсин.

Беруний туман

ҳокими: **А. САПАРБАЕВ.**
№ 644. 19 май 2021 йил.
Беруний тумани.

БЕРУНИЙ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Беруний тумани ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора–тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6075–сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25–мод–

дасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075–сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив–ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Беруний туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

3. Беруний туман ҳокимлиги матбуот хизмати (А. Уразова) мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб–сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф. Примов) зиммасига юклатилсин.

Беруний тумани
ҳокими:

А. САПАРБАЕВ.

№645. 19 май 2021 йил. Беруний тумани.

**БЕРУНИЙ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ 2021 ЙИЛ 19 МАЙДАГИ
645 – СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА**

1. "Беруний туманида географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора – тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 27 де – кабрдаги 946 – сон қарори.

2. "Беруний туман маҳаллий бюджет жетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари 2013 йил учун асосий параметрлари тўғрисида"ги 2012 йил 30 декабрдаги 959 – сон қарори.

3. "Аҳолини ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида"ги 2014 йил 11 январдаги 4 – сон қарори.

4. Беруний тумани ҳокимининг "Беруний тумани ҳудудидаги барча хў – жалик иш юритувчи субъектларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан

ўтказиш бўйича" 2014 йил 17 январдаги 14 – сон қарори.

5. "2014 йил учун мол – мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи шахсларни ҳисобга олиш, уларга солиқларни ҳисоблаш ва имтиёзларни қўллаш тўғрисида"ги 2014 йил 17 январдаги 18 – сон қарори.

6. "Беруний тумани Ободонлаш – тириш бошқармасини қайта тузиш ва ташкил этиш тўғрисида"ги 2014 йил 24 майдаги 366 – сонли қарори.

7. "Беруний Давлат ўрмон хўжа – лиги ўрмонзорларида ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашишни қўллаш тўғрисида"ги 2014 йил 3 июл – даги 475 – сон қарори.

8. "Юқори тезлик чекланган ҳамда тўхташ тақиқланган йўл белгиларини

**БЕРУНИЙ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ
ЭСКИРГАН ВА ЎЗ АҲАМИЯТИНИ
ЙЎҚОТГАН НОРМАТИВ ТУСДАГИ
ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ**

ўрнатиш ҳақида"ги 2015 йил 8 апрел – даги 282 – сон қарори.

9. "Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш, иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 2015 йил 12 ноябрдаги қарори.

10. "Тумандаги дафн этиш жойлари сақлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2016 йил 13 февралдаги 471 – сонли қарори.

11. "Аҳолини ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб қилиш, касбга

тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида"ги 2016 йил 28 июндаги 1037 – сон қарори.

12. "Туманда айрим ҳудудларда йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солиш тўғрисида"ги 2016 йил 5 октябр – даги 1740 – сон қарори.

13. "Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина – трактор паркларини, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини 2019 йилда техник кўриқдан ўтказиш ҳақида"ги 2019 йил 30 январдаги 553 – сон қарори.

**АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: УНИНГ
МОҲИЯТИ НИМАДА?**

Жаҳон тажрибасида мамлакат аҳолисининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби, оилавий аҳволи, касби, бандлиги, даромад манбаи ва бошқа жиҳатлар бўйича батафсил маълумот тўплашнинг энг самарали усули аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ҳисобланади. Шу боис, 2023 йилда мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўриломоқда.

Тасаввур қилинг, қўлингизда Ўзбекистон харитаси ва унга қараб ҳудудларга доир бирламчи маълумотларни айтиш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистонда қанча аҳоли яшайди, Хоразмда бандлик масаласи қай аҳволда, Сурхондарёда нечта таълим муассасаси бор, Фарғона водийсида аҳоли зичлиги қандай ва шунга ўхшаш бошқа муҳим маълумотлар. Бироқ бундай юзаки ва тахминий кўрсаткичлар билан бугунги жадал ривожланиш ва ислохотлар даврида

узқони кўзлаб ниманидир режа қилиш қийин, албатта.

Ақсинча, қўлимизда ҳар бир ҳудудга доир аниқ фактлар бўлса, режаларимиз ҳам, амалларимиз ҳам манзилли ва пухта бўлади. Айнан шунинг учун бизга бутун республикани қамраб оладиган ишончли маълумотлар керак ва улар тадрижий равишда янгиланиб борилиши шарт. Бундай аниқ ва яхлит маълумотлар эса аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Шунга қараб ўтмиш ва бугун ҳақида фикр – мулоҳаза юритиш ҳамда келажакни фаразлаш мумкин. Шунингдек, бу аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, оилавий ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳамдир.

А. САПАРОВ,

Беруний тумани статистика бўлими бошлиғи.

**ТАДБИРКОРЛИК – ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ НЕГИЗИ****ТАДБИРКОРЛИК –
ИҚТИСОДИМИЗ
ТАЯНЧИ**

Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимиз ҳаётида азалдан муҳим ўрин тутиб, унинг ўзига хос анъаналари асраб – авайланган, бундай фазилатга эга кишилар қадрланган. Буни буюк Амир Темурнинг "Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир", деган фикри ҳам тасдиқлайди.

Президентимиз ташаббуси билан хусусий, оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи, оиласи, маҳалла, эл – юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган, иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилаётган тадбиркорлар, хусусий корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Юртимиз аҳолиси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Туманимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса, давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислохотлар эса, уларнинг олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бар – тараф этиш корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мута – садди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ – тартибот органларининг устувор вазифасига айланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, ҳуқуқ – бузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга кўмакла – шиш, уларнинг фаолиятини қўллаб – қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқ – да. Айни пайтда кундан – кунга кичик бизнес субъектлари сони ортиб бормоқда. Бу эса, нафақат Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, албатта.

А.СЕЙТКАМАЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг Беруний туманидаги тадбиркорлар мурожа – атларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудир.

**14 ИЮНЬ – БУТУНЖАҲОН
ДОНОРЛАР КУНИ**

Қон, унинг компонентлари ва препаратлари (плазма, эритроцит, тромбоцит, альбумин ва им – муноглобулинлар) инсон ҳаёти хавф остида қол – ганда қўйилади. Қон тизими касалликларида (оғир даражали камқонликларда, лейкоз, яъни "оққон" хасталигида, қон ивиш тизими бузили – ши касалликлари, яъни гемофилия касаллиги, коагулопатиялар), саратон касалликларида, па – тологияли оғир кечадиган туғруқларда, опера – цияларда, оғир даражали куйишларда ва турли хил фавқулодда ҳолатларда асқотади. Бундай ҳолатда керакли миқдордаги қонни топиш учун соғлом кишиларни доимий, бегараз қон донор – лигига жалб этиш лозим. Шу билан биргаликда инсон сифатида кимгадир нафнингиз тегса, кўн – гингиз тоғдек кўтарилади. Ахир яхшининг боғи кўкаргани сингари эзгу ишларни қилганининг мушқули осон, юмуши тез битиб кетади – да. Айниқса, кимнингдир саломатлиги учун фавқ – уллода қон топшириш лозим бўлганида бундай хайрли ишдан ҳеч ким бўйин товламаса керак. Ваҳоланки, ҳар куни дунё бўйича минглаб ин – сонлар донор қонига эҳтиёж сезади. Донорлик – одамларга яхшилик қилишнинг энг оддий кўриниши бўлиб, ушбу бегараз, кўнгилли ёрдам қонга эҳтиёж бор инсонлар учун ҳақиқий кў – мақдир. Донор қон топширар экан, кимнингдир ҳаётини сақлабгина қолмай, ўз соғлигини сақ – лашга ҳам эришади. Чунки мунтазам тиббий кў – риқдан ўтиб туриш ва қон таҳлилларини топ – шириш, киши саломатлиги ҳақида маълумотга эга бўлиб боришига хизмат қилади. Ҳозирда дунёнинг 70 та давлатида қон заҳираси кўн – гилли донорлик ҳисобига йиғилади. Жаҳон со – ғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан қон таркибий қисмлари ва препаратларига бўлган эҳтиёжни қоплаш учун ҳар 1000 аҳолига нис – батан 40 – 60 тадан қон топшириш керак бўла – ди. Бизнинг юртимизда эса ҳар 1000 кишига қон топширишлар сони 4,8 тани ташкил эт – моқда. Ушбу кўрсаткични янада оширишда, ав –

**СИЗНИНГ ҚОНИНГИЗ
КИМЛАРНИНГДИР
ҲАЁТИНИ САҚЛАБ
ҚОЛАДИ**

вало, биз тиббиёт ходимлари фаол ва ташаб – бускор бўлишимиз, донорликнинг аҳамиятини аҳолига мунтазам тушунтириб боришимиз ло – зим бўлади.

Кўнгилли донорлик тарғиботи биргина қон банки вазифаси эмас. Қон ва қон маҳсулотлари заҳираси нечоғли муҳимлиги, қай ҳолларда қон қуйишга мурожаат қилиниши, заҳира бўшаб қолиши қандай оқибатларга олиб келиши ба – тафсил тушунтирилиб борилса, ишонамизки, кўнгилли донорликка муносабат ўзгаради. Унутманг: донорлик инсонпарварлик, ватанпар – варлик ва раҳмдилликнинг намойишидир.

Азиз юртдошлар! Савоб ишга ўз ҳиссан – гизни қўшинг! Сизнинг қонингиз кимнингдир ҳаётини сақлаб қолишга имкон берса, бу са – вобни ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайди. Барча донорларимизни байрам муносабати билан са – мимий табриклаймиз! Саломатлик, оилавий бахт ва албатта омад тилаймиз.

З. ЕШИМБЕТОВ,

ТТБ қон банки шифокори.

КОРОНАВИРУС КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ ВАКЦИНАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган муаммолар, кўп сонли ўлимчиликгача олиб келган фожеаларга бир йилдан ошди. Ушбу ланъати касаллик сабабли кимдир отасини, ким — дир онасини, яқин қариқдоши — ни, дўстини, танишини, қўшни — сини ёки касбдошини йўқотди. Юртимизда олиб борилган та — рибот — ташвиқот ишларининг натижаси, ушбу касалликнинг юқиш йўллари, профилактикаси асоратларини етти ёшдан етмиш ёшгача барчага ёд бўлиб кетди десак муболаға бўлмас. Лекин шунга қарамасдан аҳолимиз орасида эмлашнинг ноҳўя асо — ратлари тўғрисида тарқалган маълумотлардан қўрқув сабабли коронавирус инфекциясининг профилактикасида, яъни коро — навирус инфекциясига қарши вакцинация қилдиришдан бош тортиш ҳоллари учрамоқда.

Аҳоли орасида тарқалган корона — вирус инфекциясига қарши эмлашнинг ноҳўя таъсирлари тўғрисидаги маълумотлар баъзи одамларда пандемия даврида вакцинациянинг муҳим роли, яъни вирусга қарши курашишнинг ягона йўлидан бири эканлигига ҳам кўз юмишдек тузоққа тушиб қолган. Ва — ҳоланки ЖССТнинг берган маълумот — ларига кўра коронавирусга қарши эм — лашдан кейин кузатилган тромбоз асо — ратлари 1 миллион аҳолига 4 тага тўғри келган. Бундай тромбоз асоратлари асосан тромб ҳосил бўлишига мойил — лик бор беморлар орасида учраган. ЖССТ нинг маълум қилишича, жаҳон бўйича коронавирус инфекциясига қарши курашишда вакцинация ягона қурол бўлиб ҳисобланади. Бунинг ис — боти сифатида эмлаш ўтказилган дав — латлар ҳисоботларида касалланиш, ўлимчилик ва касалликка дучор бўлган беморларнинг даволаниши учун шифохонахоналарга ётқизиши сони камайиб кетганлигини мисол қилиш мумкин.

Охирги маълумотларга қараганда АҚШ давлатида эмлаш қабул қилган 84 миллион аҳоли орасида 6000 нафар фуқаролардагина (яъни 0,007% фуқа — рода) COVID — 19 билан зарарланиш ҳолати кузатилиши коронавирус ка — саллигига қарши вакцинация ўткази — лишнинг муҳимлигини кўрсатади. Ушбу эмлашни қабул қилгандан кейин COVID — 19 билан зарарланиш ҳолати кузатилган беморларда касаллик энгил белгилар билан намоён бўлган ҳамда кўпчилик касаллик юқтирганларда шифохонага ётқизиб даволанишга кўрсатма бўлмаган. Бошқа эмлаш қабул қилмаган аҳоли орасида касалликни юқтириши, касалликнинг кечиши, ўлимчилик ҳолатлари юқориликгача қолган.

Эмлаш қабул қилгандан кейин қан — дай қилиб касалликни юқтириш мум — кин деган савол туғилиши табиий. Бу — гунги пандемия шароитида эмлашдан кейин коронавирус батамом йўқ бўлиб



кетмайди, фақат касалликнинг тарқа — лиши, юқиш хавфи камайди ва касал — лик юққан тақдирда энгил белгилар би — лан кечишига эришилади.

Дунёда шундай хавфлар борки, ма — салан автомобил бошқаришда содир бўладиган авариялар сабабли жароҳат олиши, ногирон бўлиб қолиши, ўлим — чилик ҳоллари учраб туришини анг — лаган ҳолда одамлар автомобил бош — қаришни тўхтатиб қўймайди, аксинча ҳар бир ҳайдовчи рулда диққатни оширилиши, хавфсизлик камарларини тақиб бошқариши, машиналар орасида етарлича ораликни сақлаб ҳайдаши, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилиши билан содир бўладиган авариянинг ол — дини олади. Лекин нима учун корона — вирусга ҳам шундай кўзқараш қилин — майди, нима учун COVID — 19 ҳам ол — дини олишга қаратилган чораларнинг энг ишончлиси — вакцинация қабул қилишдан бош тортадилар?

Қўрқувга сабаб телеграм, фейсбук ва шу каби бошқа ижтимоий тармоқ — ларда тарқалган асоссиз маълумотлар ҳисобланади.

Вакцинация нафақат пандемия ша — роитидан чиқишининг ягона йўли, балки жаҳон иқтисодиётининг, жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасини ҳам кризисдан чиқишининг энг самарали йўли ҳисоб — ланади.

Дунё аҳолисининг 70 — 80 фоизи эмлашни қабул қилсагина "жамовий иммунитет" пайдо бўлади ва инсоният пандемия муаммосини унутиб одатдаги яшаш тарзига қайтади.

Давлатимиз томонидан коронави — рус касаллигига қарши эмлаш бепул ўтказилиши юртимизда аҳолини ко — ронавирус касаллигидан ҳимоя қилишга қаратилган ягона чора бўлиб, буни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси COVID — 19 касаллигига қарши курашишда вақци — нация ягона қурол эканлигини чуқур англаган ҳолда эмлашни қабул қилишга қақираман.

В. Ш. ҲАКИМОВ,
Беруний ТТБ
шифокор — кардиологи.

БЕРУНИЙ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ 2021 ЙИЛ ХАРАЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Беруний тумани тиббиёт бир — лашмасининг 2021 йил дори — дармон учун жами 2 млрд 686 млн 721 минг сўм маблағ, шундан 1 — чорак учун 612 млн 734 минг, 2 — чорак учун 719 млн 091 минг, 3 — чорак учун 677 млн 448 минг, 4 — чорак учун 677 млн 448 минг сўм маблағ ажратилган.

Имтиёзли дори — дармонларга 37 млн 143 минг сўм, озик — овқат

учун жами 1 млрд 461 млн 225 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 1 — чорак учун 338 млн 099 минг, 2 — чорак учун 374 млн 373 минг, 3 — чорак учун 374 млн 373 минг, 4 — чорак учун 374 млн 380 минг сўм маблағ ажратилган.

Ф. ТАЖИБАЕВ,
Беруний тумани Молия бўлими
1 — тоифали иқтисодчиси.

АБИТУРИЕНТЛАРГА ИМТИҲОН ОЛДИДАН ХАЯЖОННИ ЕНГИШ ВА ЎЗИГА НИСБАТАН ИШОНЧНИ ОШИРИШ УЧУН ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР

КУН МАВЗУСИ

Олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари муддати яқинлашиши билан абитуриентларда ҳаяжон, хавотир, қўрқув пайдо бўла бошлайди. Айнан мана шу нарса имтиҳон жараёнида абитуриент — ларда ўзига нисбатан ишонч — сизликни пайдо қилади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидаги маслаҳатларни нафақат абитуриентлар, балки уларнинг ота — оналари ҳам билишлари лозим: сабаби абитуриентларга яқинлар — нинг қўллаб — қувватлашига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ муҳтож бўлади.

Абитуриентларга имтиҳон олди — дан ҳаяжонни енгиш ва ўзига нис — батан ишончини ошириш учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Имтиҳонга таёргарлик жара — ёнида муҳим ҳисобланмиш хотира диққат билан биргаликда кайфият ҳам муҳим ҳисобланади. Шу сабабли кайфиятнинг сезиларли дара — жада юқори бўлишига эътибор қаратинг.

2. Тўғри овқатланиш.

Тўғри овқатланиш айниқса, но — нушта жуда муҳим ҳисобланади, чунки тана тўғри фаолият юритиши учун қувват талаб этади. Миянинг диққатни жамлай олиш қобилияти эса айнан мана шу нарса билан боғлиқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нонуштани қанда қилмайдиган ўқувчилар имтиҳон пайтида бошқаларга нисбатан диққатини тез жамлай олади.

3. Имтиҳонга таёргарлик.

Имтиҳонга таёргарликни бир неча кун қолганда эмас, балки бир неча ой олдин бошланг. Шундагина ўзингизга нисбатан ишонч янаям ортади. Дарсларни эрта тонгдан тайёрланг. Бу пайтда мия етарлича дам олган бўлади. Дарсларингиз — нинг катта қисмини куннинг иккинчи ярмига қолдирманг.

Ўзингиз учун дарслар жадва — лини тузиб олинг. Ўқишни ҳар куни бир вақтда бошлаб, бир вақтда тугатишга ҳаракат қилинг. Бу дарсларни яхши ўзлаштиришингиз учун ёрдам беради.

4. Кераксиз нарсаларни миянгиздан ўчириб ташланг.

Имтиҳонга тайёргарлик жараёнида диққатингизни сизга ҳалақит берадиган нарсаларга қаратмасликка ҳаракат қилинг. Бунинг учун бугунги кунда ҳаёти —

мизнинг муҳим бир бўлагига ай — ланган телефон ва ижтимоий тар — моқлардан ўзингизни узоқроқ ту — тинг. Иложи борича имтиҳон ту — гагунча смартфонлардан эмас, оддий уяли алоқа воситасидан фойдаланишга эътибор қаратинг.

5. Танаффус ва дам олишга эътибор беринг.

Дарслар орасида танаффус қилишга одатланинг. Қанчалик кўп ўқиманг, миянгиз буни қабул қила олмас, барча меҳнатигиз бесамар кетади. Шунинг учун танаффус қилишга ҳаракат қилинг.

Дам олиш мия фаолиятини яхшилашга маълумотларни тез ва осон қабул қилишга ёрдам беради. Дам олиш жараёнида мусиқа тинглаш (кулоқчинлар ёрдамида) фильм кўриш эмас, балки тинч ва сокин жойда дам олишга ҳара — кат қилинг.

6. Такрорлаш.

Ўтилган дарсларни такрорлаш нафақат олган билимларингизни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Дарсларни такрорлаётганда шун — чаки эмас, худди ўқитувчи дарс ўтаётгандек ёнингиздаги инсонга гапириб беринг, шунда ўзингизга нисбатан ишончингиз янада ортади.

7. Дам олиш (тўйиб ухлаш).

Имтиҳонга бир кун қолганда албатта тўйиб ухлаб олинг.

Имтиҳонга тайёргарлик жара — ёнида ҳам бунга амал қилинг. Чунки уйқу организм учун жуда зарур. Жисмоний ва руҳий тараф — дан тетиклашишга диққатни жамлашга хотирани мустаҳкам — лашга ёрдам беради. Ярим кечгача китоб ўқишга асло одатланманг.

8. Энг асосийси: ўзингизга ишонинг ва доимо "позитив" кай — фиятда бўлинг. Имтиҳон олдида асло хавотирга тушманг! Атрофдагиларнинг "пессимистик" фикрларига эътибор қаратманг. Юқори кайфиятда худди ўзингиз — ни имтиҳондан аъло даражада ўтгандек ҳис қилинг. Ўзингизни рағбатлантириб туриш ҳам эси — гиздан чиқмасин. Бу албатта, ўзингизга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Н. Р. САТИМОВА,
Беруний тумани ХТБга
қарашли 57 — умумий ўрта таълим
мактаби амалиётчи психологи.

ЙЎҚОЛГАНЛИГИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ШУ КУНДАН ЭЪТИБОРАН БЕКОР ҚИЛИНАДИ:

— МУ «Сантехгазқурилишсервис Беруний» (Инн: 203 216 054)га тегишли 95 230 ВАА давлат рақам белгили, ГБАНЕКСИЯ — S150GLECHГ русумли, кулранг энгил автомашинага 2013 йилнинг 01 ноябрида берилган ААС № 4428699 — рақам белгили транспорт воситасини қайд қилиш Гувоҳномаси.

— Эликқалъа тумани, "Меҳнат" кўчаси, 11 — уйда яшовчи Айтбаев Акмалжон Икромбаевичнинг номидаги 95 X 861 JA давлат рақам белгили, ЕРІСА русумли, яшил рангли 2008 йилнинг сентябрь ойида ишлаб чиқарилган энгил автомашинага 2020 йилнинг 30 октябрида Беруний ТРИБ томонидан берилган ААФ № 2302855 — рақам белгили транспорт воситасини қайд қилиш Гувоҳномаси.


35-СОҢЛИ ИДУМДА 2021-2022 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 5-СИНФЛАРГА ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани халқ таълими бўлимига қарашли Абу Райхон Беруний номидаги аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган 35 – сонли умумтаълим мактабига 2021 – 2022 ўқув йили учун математика фанидан 5 – синфларга иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Танлов тест синови асосида математика фанидан 20 та, она тили ва адабиёт фанидан 10 та, жами 30 та тест саволдан иборат бўлиб, давлат тест маркази томонидан олинади.

Хужжатларни қабул қилиш 2021 йил 1 – 30 июн кунлари оралиғида бўлиб, қуйидаги тартибда хужжатлар қабул қилинади:

- Мактаб директори номига ариза;
 - Ўқувчи табель нусхаси;
 - Тузилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси;
 - 3x4 ҳажмдаги фотосурат.
- 2 дона (оқ фонда).



Манзилимиз: Беруний тумани, "Халқлар дўстлиги" кўчаси, рақамсиз уй. "Dinara" меҳмонхонасининг 1 – қаватида.

Изоҳ: 35-сонли ИДУМда ҳозирги кунда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани сабабли хужжатлар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Телефонлар: 90 590 91 07, 91 260 38 08, 99 681 45 50.

БИР СИНФДАН ТҶРТ ЎҚУВЧИ ОЛТИН МЕДАЛ БИЛАН...



Газетамизнинг фаол жамоатчи муҳбири, туманимиз таълим соҳасига ўзининг фидойи меҳнатлари билан самарали ҳисса қўшиб келаётган ТХТБга қарашли 27 – мактабнинг ажойиб ўқитувчиси Тележкина Елена Олеговнанинг қалби шу йил 25 май куни қувонч туйғулари билан лиммо – лим тўлди. Чунки унинг бирийўла 4 нафар ўқувчиси мактабни олтин медал билан тамомлади. Булар: Жуманиязова Райҳона, Таджимуратов Сардор, Юсупов Шаҳриёр, Жарасбаева Улмекен...

Ўқувчи ёшларимизнинг мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига ишонамиз.

УЧИРМАЛАРИМИЗ...

Дилфуза туманимиздаги 63-мактабда ўқиб юрган кезлари «Шалола»га аъзо эди, шеърлари газетамизда эълон қилинган. Бугун у университет талабаси. Амалиётчи қизимизнинг янги шеърларидан бир ҳўпламини эътиборингизга ҳавола қиламиз! Унга янги ижодий парвозлар тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

СОҒИНДИМ, ВАТАН!



Диллар тўлғонади сокин саҳарлар,
Мен билмам, юракда қандай соғинч бу?
Қайга бормай, дилим сенга йўл бошлар,
Гўзал ёдинг бирла чорлаб қўйдингку!
Не дейин, тўқилган дostonим ўзинг,
Ота уйим ўзинг, бўстоним ўзинг.
Бешигимиз узра бир дам янграган,
Алладек қадрли айтган ҳар сўзинг.
Онамсан, қалбимда меҳринг зиёда,
Юрагим ошиқар, босарман қадам.
Отамсан, мен учун якка дунёда,
Сени соғинаман, соғиндим, Ватан!
Майлига, муҳташам қаср бўлмагин,
Менинг оддийгина уйим бўл, Ватан.
Боғдаги гуллардек яшна, сўлмагин,
Сен – ла кўнгил, сен – ла бордир тан.
Айро тушса ҳамки тақдир йўллари,
Сендан айрилмасман, узилмасман ҳеч.
Сен томон талпинар қалбим, қўрларим,
Уни англамоққа бўлмагайдир кеч.
Кўнглим таскин топар ҳидингдан сенинг,
Бир сиқим тупроғинг қадрли бу дам.
Ҳамиша яшайсан қалбимда менинг,
Сени соғинаман, соғиндим, Ватан!

Дилфуза КАРИМОВА,

Қорақалпоқ Давлат университети ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси.

КАРАЛАК

Osmonlarda uchasan,
Ko'kni kezib yurasan,
Insonlarga zavq berib,
Qanotingni yoyasan.
Karaklajon kapalak,
Hayolimda sen halak.
Ucharsan misli malak,
Karaklajon kapalak!



Charosxon RAMONBERGENOVA,
ТХТБга қарашли 31-мактаб о'қувчиси,
"Shalola" adabiy to'garagi a'zosi.

АМАЛИЁТЧИЛАР: «ТИЛГА ҲУРМАТ – ЭЛГА ҲУРМАТ ДЕГАНИ» БЎЛҒУСИ ФИЛОЛОГЛАР ТАҲРИРИЯТИМИЗДА АМАЛИЁТ ЎТАШЯПТИ...



Jahongir Samandarov, Nodira Yakubova, Umida Orinboyeva, Shaxodat Abdiyeva, Umida Kazakova, Gozal Allayarova... Siz tasvirda korib turgan bu

yoshlarimiz Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat Universiteti filologiya fakultetida tahsil olishadi. Ayni kunlarda tahririyatimizda amaliyot o'tashmoqda.

XALQ MINBARI

МУАССИС:

Халқ депутатлари
Беруний туман Кенгаши ва
Беруний тумани ҳокимлиги

Мақолалардаги факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгар. Икки варақдан зиёд мақолалар қабул қилинмайди. Қўлёзмалар ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

МУҲАРРИР: Лола ХЎЖАНИЁЗОВА

Газета 2016 йилнинг 22 августида Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва Ахборот агентлигида №01-074-сонли гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.
Нусхаси – 1840

ГАЗЕТА ОЙИГА УЧ МАРОТАБА ЧОП ҚИЛИНАДИ. НАШР КЎРСАТКИЧИ–94010

Буюртма № 298
Ҳажми–1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Босишга рухсат қилинган вақти – 16. 00.

Баҳоиси келишилган нарҳда.
Навбатчи: Л.БАЗАРБАЕВА.

Газета «Қувончбек–Машхура» МЧЖ босмахонасида чоп қилинди.
Босмахона манзили: Урганч ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 106 уй.

Таҳририят манзили: 230 200, Беруний шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 1-тор кўча, 3-уй. Телефонлар: Муҳаррир: 524-28-38, Ҳисобчи: 524-12-17.

Газетанинг сифатли чоп қилиниши учун босмахона, обуначига вақтида етиб бориши учун почта бўлими ва «МТ» унитар корхонаси жавобгар.